

1/2022,
yanvar-
fevral
(№ 00057)



ЭНЕРГИЯ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШДА СОҲАДА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Саидов Машъал Самадович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти, и.ф.н., доц.,
Тошкент, Ўзбекистон. shoh_1993_rux@mail.ru*

Аннотация

Ушбу мақолада энергия хавфсизлиги тушунчаси ва хавфсизлик ҳолатларини таъминлаш бўйича халқаро тажрибалар ўрганилган. Энергия хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи омиллар, хавфсизлик турлари, уларни бошқариш босқичлари, республикамиздаги мавжуд ҳолат, энергия хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: энергия хавфсизлиги, энергия таъминоти, электр энергетика, рақобат муҳити, ишлаб чиқариш, узатиш, сотиш, бозор тамойиллари, бошқарув механизми, иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, минтақавий энергия бозори, вертикал интеграция, тарифлар, тартибга солиш усуллари, бошқарув усуллари, иқтисодий хатарлар.

Аннотация

В данной статье была изучена концепция энергетической безопасности и международный опыт обеспечения безопасности в ситуациях. Разработаны предложения и рекомендации по факторам, влияющим на энергетическую безопасность, видам безопасности, этапам их управления, текущей ситуации в республике, обеспечению энергетической безопасности.

Ключевые слова: энергетическая безопасность, энергоснабжение, электроэнергия, конкурентная среда, производство, передача, сбыт, рыночные принципы, механизм управления, тепловые электростанции, теплоцентрали, региональный энергетический рынок, вертикальная интеграция, тарифы, методы регулирования, методы управления, экономические риски.

Abstract

In this paper, the concept of energy security and international experience in securing safety situations have been studied. Proposals and recommendations on factors affecting energy security, types of security, stages of their management, the current situation in the Republic, ensuring energy security have been developed.

Keywords: energy security, energy supply, electricity, competitive environment, production, transmission, sales, market principles, management mechanism, thermal power plants, thermal power centers, regional energy market, vertical integration, tariffs, regulatory methods, management methods, economic risks.

Кириш

Энергия хавфсизлигини таъминлаш бутун дунё мамлакатларида долзарб мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади. Энергия хавфсизлиги тушунчаси, мамлакат миллий хавфсизлиги тушунчаси билан бирга баҳоланади. Хавфсизлик ва миллий хавфсизлик тушунчаси, жуда кўп қиррали ва мураккаб бўлган тушунча ва жараёнларни ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай мамлакатнинг энергия хавфсизлиги, унинг миллий хавфсизлигининг ажралмас қисмидир.

Мамлакатда энергия хавфсизлигини таъминлаш миллий иқтисодиётнинг асосий вазифаси ҳисобланиб, жамият ва иқтисодиёт ривожланишида энг муҳим вазифаларни

базаради. Энергия соҳаси қолган барча соҳа ва тармоқлар учун ишончли ва сифатли энергия етказиб беришни таъминлайди. Охирги йилларда дунё мамлакатлари иқтисодиётининг ўсишида, давлатлар ўртасида юқори сиёсий мавқеига эга бўлишда, мамлакат энергия хавфсизлиги даражаси сезиларли таъсир қилмоқда.

Энергия хавфсизлиги муаммоси ер юзида табиий ёқилғи-энергетика ресурсларининг нотекис тақсимланиши ва мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энергия истеъмол қилувчи ва энергия ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ўртасидаги ҳудудий тафовут билан белгиланади. Энергия хавфсизлигини таъминлаш доирасида мамлакатлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳда – энергия экспорт қилувчи, яъни энергия ишлаб чиқарувчи мамлакатлар, иккинчи гуруҳда - энергия импорт қилувчи, яъни энергия сотиб олувчи мамлакатлар. Ҳар икки гуруҳга кирувчи мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан ривожланиш учун ҳаракат қилишади.

Энергия хавфсизлиги ва энергия самарадорлиги, ҳар қандай давлат энергетика сиёсатининг асосий стратегик мақсадлари бўлиб ҳисобланади. Энергия хавфсизлик даражасини оширишда, давлат энергетика сиёсатининг асосий таркибий қисмларига қўйидагиларни киритиш зарур: мамлакат ҳудудидаги ер қаъридан олинadиган ресурслардан фойдаланишда самарали бошқарув механизмини жорий этиш; энергетика соҳасида таркибий ўзгаришларни доимий олиб бориш; ёқилғи-энергетика бозорини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш; оқилona ёқилғи-энергетика балансини шакллантириш, ички ва ташқи энергетикасиёсатини такомиллаштириш; энергетика соҳасида замонавий илмий-техник сиёсатни ривожлантириш; минтақавий энергия бозорида рақобат муҳитини ва халқаро стандартлар мос келувчи меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш.

Бу борада, мамлакатизда бир қанча ишлар амалга ошириб келинмоқда, жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 27 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги қарорига асосан [1], "Ўзбекэнерго" АЖ негизда бир-биридан мустақил бўлган, "Иссиқлик электр станциялари" АЖ, "Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари" АЖ ва "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ ташкил этилди. Шу билан бир қаторда, республика энергетика соҳасида самарали бошқарув тизимини ташкил қилиш ва соҳани жадал ривожлантириш, унинг рақобатбардошлиги ва инвестициявий жозибadorлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5646-сонли фармони қабул қилинди. Мазкур фармонда, Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланган[2]:

биринчидан, мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт соҳалари ва аҳолининг энергия ресурсларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондиришга қаратилган ягона энергетика сиёсатини юритиш;

иккинчидан, энергетика соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ҳамда хўжалик фаолияти функцияларини аниқ чегаралаш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш, тариф сиёсатини амалга оширишнинг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш ва шу асосда соғлом рақобат муҳити тамойилларини илгари суриш;

учинчидан, инфратузилма объектларини қуришга, шунингдек тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш учун шароитлар яратиш;

тўртинчидан, энергия тежамкорлик ва иқтисодиётнинг энергия сарфини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, иқтисодиёт тармоқлари ва маиший секторда ресурс ва энергия тежовчи илғор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, муқобил энергия манбаларини кенг ривожлантириш;

бешинчидан, энергетика тармоғи корхоналарида технологик жараёнларни автоматлаштиришнинг замонавий воситаларини, энергия ресурсларини қазиб олиш, етказиб бериш ва истеъмол қилиш ҳажмларини ҳисобга олиш тизимларини кенг татбиқ қилиш;

олтинчидан, тармоқ корхоналарини бошқариш тизимини, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини мақбуллаштириш, ишларни ташкил қилишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий усуллари ва мақсадли индикаторларни (сифат менежменти, индикатив режалаштириш) жорий этиш.

Мамлакатимизда энергия хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, аҳолининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини ёқилғи-энергетикага бўлган талабини самарали қондиришга қаратилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

“Энергия хавфсизлиги” тушунчаси борасида бир қанча иқтисодчи олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Энергия хавфсизлиги ҳозирги кунда энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади. Лекин “Энергия хавфсизлиги” тушунчаси бўйича умумий қабул қилинган ягона таъриф йўқ. Шунинг учун, ҳам “Энергия хавфсизлиги” ёки “Энергия таъминоти хавфсизлиги” тушунчалари амалиётда кўп ишлатилади.

Энергия хавфсизлиги биринчи навбатда иқтисодий ўсишни тезлаштириш учун зарур бўлган энергия мавжудлигига ишора қилади: шунга кўра, энергия хавфсизлиги – иқтисодиёт тармоқларини энергия билан таъминлайди. [3,4] Кейинчалик, бу таъриф вақт ўтиши билан бир неча тадқиқотлар томонидан ўрганиб чиқилди. Айрим тадқиқотларда энергия нархи каби баъзи тушунчаларни киритиш орқали хавфсиз ва хавфли даражаларни ажратишга ҳаракат қилинди. Бунга асосланиб, “Энергия таъминоти хавфсизлиги” энергия манбаларининг арзон нархларда ўзлуксиз мавжудлигини таъминлайди деб белгиланди. [5] Шу билан бирга, энергия арзонлиги учун халқаро кўринишдаги махсус стандарт мавжуд эмас, у мамлакатлар ўртасида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), инфляция даражаси ва аҳоли жон бошига кўра ўрганилади. [3]

Минтақаларнинг энергия хавфсизлигига сезиларли таъсир кўрсатадиган омиллар ҳозирги даврда ва минтақанинг стратегик ривожланиши доирасида - бошқарув муаммолари (энергия танқислиги, ускуналарнинг ёмонлашуви, молиявий жиҳатлар) ва узоқ муддатли ва билвосита (экологик муаммолар, чекланган ресурслар ва бошқалар) назорат қилинадиган омилларга бўлиниши мумкин.) [6].

Энергия хавфсизлиги давлатнинг унинг предмети ёки минтақасининг энергетик мустақиллиги билан боғлиқ, бу биринчи навбатда сиёсий муаммодир. Энергетика соҳасида ишлаб чиқарувчи давлатларнинг барқарор ривожланиши ва барқарорлиги иқтисодий энергетик хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай барқарорликка энергия ресурсларини қазиб олиш ва ишлаб чиқариш тобора мураккаб шароитларда олиб бориш зарурати туфайли таҳдид солиши мумкин, бу фақат замонавий технологиялардан фойдаланиш, атроф-муҳитга зарар етказиш ва транспорт билан боғлиқ қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳозирги кунда “Энергия хавфсизлиги” тушунчасининг кўплаб формулалари ва талқинлари мавжуд [7].

Кўплаб тадқиқотлар мавжудлигига қарамасдан, “Энергия хавфсизлиги” атамасининг ягона умумий таърифи мавжуд эмас. Биринчи марта бу тушунча миллий

хавфсизлик соҳасида давлат сиёсатини тартибга солувчи қонун ҳужжати сифатида 1947 йилда АҚШда ишлатилган [8]. Бироқ, “Энергия хавфсизлиги” тушунчаси 1973 йилда нефт инқирозидан кейин пайдо бўлди. Бунда Халқаро Энергетика Агентлиги томонидан: энергия хавфсизлиги – “Энергия берилган иқтисодий шароитларда талаб қилинадиган миқдор ва сифатда мавжуд бўлишига ишонч” деб таъкидланган [9].

Хавфсизлик муаммоси халқаро муносабатлар назарияси ва амалиётида марказий ўринни эгаллайди ва тадқиқотчилар ва давлат арбоблари нуқтаи назаридан, бу муаммо табиатда мураккаб бўлиб, унинг мазмуни ва қўллаб-қувватлаш усуллари жамият тараққиётининг тарихий босқичига боғлиқ [10].

Энергия экспорт қилувчи мамлакатлар учун талабнинг хавфсизлиги, таъминотнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш каби муҳим бўлиши мумкин. Ушбу мамлакатларда иқтисодиёт ва давлат бюджети энергия экспортидан келадиган даромадларга жуда боғлиқ. Масалан, нефт саноати бўйича Саудия Арабистони ЯИМнинг 42 фоизини, бюджет даромадларининг 87 фоизини ва экспортнинг 90 фоизини ташкил этади [11].

Бироқ, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида нарх даражаси ва кашфиётнинг оптимал суръати борасида зиддиятли фикрлар пайдо бўлиши мумкин. Энергия истеъмолчи мамлакатларни бирлаштирувчи Халқаро Энергетика Агентлиги, энергия хавфсизлиги тушунчасини - энергия манбаларини арзон нархда олиш ва узлуксизлигини таъминлаш деб ҳисоблайди [12].

Энергия хавфсизлиги ҳолати ва даражасини баҳолаш бир қатор кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилиши лозим, яъни: энергия таъминоти, энергияга қарамлиги, иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, ижтимоий барқарорлик.[13]

Тадқиқот методикаси

Тадқиқот жараёнида электр хавфсизлигини таъминлаш борасида, эркин электр бозорини шакллантириш, энергия ишлаб чиқариш салоҳиятини ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш, қиёсий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш, статистик гуруҳлаш, корреляцион, регрессион, хатарларни белгилаш усуллари ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Энергия хавфсизлигини таъминлаш осон бўлмаса-да, лекин шунга эришиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимдир. Энергия хавфсизлиги кўп қиррали тушунча ҳисобланиб, унинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган ўлчовлари мавжуд: инфратузилманинг бузилиши, табиий офатлар, ижтимоий тартибсизликлар, сиёсий ҳаракатлар ёки терроризм ҳаракатларидан келиб чиқадиган техник жиҳатдан жисмоний эскириш; келажакда ўсиб бораётган талабни қондириш учун энергия таъминотининг узоқ муддатли жисмоний мавжудлиги; иқтисодий фаолият ва аҳолига энергия этишмовчилиги, нархлар ёки нархларнинг ўзгаришлари туфайли зарарли таъсир; инсонлар соғлигига таъсир этувчи жиддий оқибатлар, турли мулк шакллариغا зарар етказадиган терроризм ҳаракатларидан зарар.

Энергия хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим вазифаси давлатнинг энергетик мустақиллигига эришишдир. Мустақил энергияга эга бўлмаган давлат, ҳеч қачон мустақил бўла олмайди. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодиётнинг реал сектори ва аҳоли эҳтиёжларига зарур бўлган энергияни ишончли етказиб беришни ташкил қилиш;

- электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ИЭС, ИЭМлари ва энгрия узатиб берувчи подстанциялар ҳамда ёқилғи-энергетика соҳасига тегишли бўлган ташкилотларнинг ишончли ишлашини таъминлаш;

- ёқилғи-энергетика соҳасида замонавий технологиялардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш орқали, зарарли экологик таъсирларни камайтириш;


- ёқилғи-энергетика соҳаларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида, давлат кафолатларини ошириш бўйича ташкилий – иқтисодий механизмларни такомиллаштириш.

Энергия хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, республикамизда дастлабки қадамлар йўлга қўйилган. Булардан асосийлари, республикамизда соҳада ягона бошқарувга эга бўлган “Ўзбекэнерго” АЖ негизида бир-биридан мустақил бўлган, электр энергиясини ишлаб чиқариш соҳаси “Иссиқлик электр станциялари” акционерлик жамиятига, электр энергиясини магистраль электр тармоқлари орқали етказиб бериш “Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари” акционерлик жамиятига ва электр энергиясини истеъмолчилар етказиб бериш “Худудий электр тармоқлари” акционерлик жамиятига юклатилган. Бу албатта, бугунги кун ва келажак истиқболни ўйлаган ҳолда амалга оширилган таркибий ўзгариш ҳисобланади. Мазкур ўзгаришлар соҳада энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт соҳалари, аҳолининг энергия ресурсларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва электр энергиясини истеъмолчилар етказиб бериш соҳасида рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган. Электр энергиясини магистраль электр тармоқлари орқали етказиб бериш соҳаси – табиий монопол хусусиятини ўзида сақлаб қолади. Чунки, бунда рақобат муҳитини ташкил қилиш, иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлмаган ҳолатдир.

Республика электр энергетика соҳасида амалга ошириб келинаётган ишлар бўйича қўйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин.

1. “Иссиқлик электр станциялари” АЖ томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилди.


Мамлакатимизда электр энергиясини ишлаб чиқаришда ўрнатилган қувват ва ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ҳолатни таҳлил қиламиз. Бунинг учун 1-ва 2-расмларда келтирилган маълумотлар орқали, Марказий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистон Республикасининг соҳадаги имкониятларини солиштириб кўриш мумкин.



1-расм. Марказий Осиё мамлакатида электр станцияларида умумий ўрнатилган қувватлар динамикаси, МВт

Манба: <https://unece.org/sites/default/files/2021-01/> маълумотлари муаллиф томонидан тузилди.

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича умумий ўрнатилган қувват бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё мамлакатлари бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасида электр энергиясини ишлаб чиқариш учун умумий ўрнатилган қувват 2000 йилда 11583 МВт ташкил қилган бўлса, 2010 йилда 12474 МВт ташкил қилиб, 2020 йилга келиб эса 15044 МВт ташкил қилган. Яъни, 2020 йилда 2010 йилга нисбатан 3461 МВт қўшимча қувват ўрнатилган.



2-расм. Марказий Осиё мамлакатларида электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. кВт.соат

Манба: <https://unece.org/sites/default/files/2021-01/> маълумотлари муаллиф томонидан тузилди.

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Марказий Осиё мамлакатларида электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон иккинчи ўринда туради. Жумладан, Ўзбекистонда электр энергиясини ишлаб чиқариш 2000 йилда 46,9 млрд.кВт. соатни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда 51,9 млрд.кВт. соатни, 2020 йилга келиб эса, 2010 йилга нисбатан 14,9 млрд.кВт.соатга ошиб, 66,5 млрд.кВт.соатни ташкил қилган.

Энергия хавфсизлигини таъминлаш бўйича, албатта, мамлакатнинг энергетик ресурс салоҳияти муҳим ўрин тутди. Энергетик ресурс салоҳияти таркибига кўмир, нефть, газ, уран, шамол, сув, қуёш ва қайта тикланадиган энергия манбалари кирилади. Мамлакатда мана шу манбаларнинг миқдори қанчалик кўп бўлса, энергия хавфсизлик даражаси шунчалик юқори бўлишига хизмат қилади. Марказий Осиё давлатларининг энергетик ресурс салоҳияти 1-жадвалда кўрсатиб ўтилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, энг кўп кўмир захираси Қозоғистонда 34,1 млрд. тоннани ташкил қилади. Энг кўп нефт захираси ҳам Қозоғистонда -2760 млн. тонна, иккинчи ўринда Ўзбекистонда кўмир захираси -2 млрд. тонна, нефть захираси -350 млн. тоннани ташкил қилади. Газ захираси бўйича биринчи ўринда Туркменистон -2860 млрд. м³, иккинчи ўринда Ўзбекистон -2000 млрд. м³, учинчи ўринда Қозоғистон -1841 млрд. м³ ташкил қилади.

Уран захираси бўйича биринчи ўринда Қозоғистон -601 минг тонна, иккинчи ўринда Ўзбекистон -83,7 минг тонна, қолган республикаларда уран захираси мавжуд эмас. Сувдан олинadиган электр энергияси бўйича, яъни гидроэлектр станциялари бўйича биринчи ўринда Тожикистон Республикаси -317 млрд. кВт соат, иккинчи ўринда Қирғизистон Республикаси 2020 йилда -99 млрд. кВт. соатни ташкил қилган. Қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича, биринчи ўринда Қозоғистон Республикасида йилига 66 млрд кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Иккинчи ўринда Тожикистон Республикасида 18,4 млрд кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

1-жадвал

Марказий Осиё давлатларининг энергетик ресурс салоҳияти[16]

Мамлакатлар / йил		Қўмир* млрд.т.	Нефть* млн.т.	Газ* млрд. м³	Уран** минг. т.	Гидро*** млрд. кВт.с/й	ҚТЭМ**** млрд кВт.с/й
Қозоғистон	2000	34,1	2760	1841	601	27	66
	2020	34,1	2760	1841	601	27	66
Қирғизистон	2000	1,34	11,5	6,54	-	52	-
	2020	1,27	1,2	6,2	-	99	-
Тожикистон	2000	0,67	5,4	9,2	-	317	18,4
	2020	1,0	10	10	-	317	18,4
Туркманистон	2000	-	75	2860	-	2	-
	2020	-	75	2860	-	2	-
Ўзбекистон	2000	2	350	2000	83,7	15	-
	2020	2	350	2000	83,7	15	-
Марказий Осиё	2000	38,11	3261,9	6716,7	684,7	413	84,4
	2020	38,37	3205,2	6716,2	684,7	460	84,4

* қўмир, нефт ва табиий газ учун тасдиқланган қайта тикланадиган захиралар ҳажми берилган;

** 30 долл/кг гача ишлаб чиқариш харажатларини билан исботланган уран захираларини Жаҳон энергия Кенгаши (ЖЭК) баҳолаган;

*** гидропотенциал - иқтисодий самарали. Ўзбекистон -техник гидропотенциал;

**** ҚТЭМ-қайта тикланадиган энергия манбалари.

Ўзбекистонда электр энергиясини ишлаб чиқариш асосан “Иссиқлик электр станциялари” АЖ таркибига кирувчи иссиқлик электр станциялари (ИЭС) ва иссиқлик электр марказлари (ИЭМ) ҳиссасига тўғри келади. Республика бўйича 2020 йилда 66,5 млрд.кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, шундан, 81,8 фоизи, яъни 54,42 млрд.кВт.соати айнан, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ таркибига кирувчи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келди. “Иссиқлик электр станциялари” АЖ таркибига 6 та иссиқлик электр станцияси ва 3 та иссиқлик электр марказлари киради (2-жадвал).

2-жадвалда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ таркибига кирувчи ИЭС ва ИЭМ ларига 2021 йилда ўрнатилган қувват ва станцияларда фаолият юритаётган ишчилар сони кўрсатилган. 2021 йилда станциялар томонидан 11329,5 МВт электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, станцияларда жами 9598 киши фаолият юритган. “Иссиқлик электр станциялари” АЖ таркибига кирувчи станция ва марказлар бўйича энг юқори қувват Сирдарё ИЭС ўрнатилган бўлиб, 3165 МВт ташкил этади. Энг кўп ишчи-ходим Тошкент ИЭС яъни, 1860 кишини ташкил этган.

2-жадвал

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ таркибига кирувчи ИЭС ва ИЭМ ларига 2021 йилда ўрнатилган қувват ва станцияларда фаолият юритаётган ишчилар сони

№	Станциялар номи	Ўрнатилган қувват, МВт	Ишчилар сони, киши	Станциялар жойлашган жойи
1	Сирдарё ИЭС	3165	1619	Сирдарё вилояти
2	Тошкент ИЭС	1860	1860	Тошкент вилояти
3	Навоий ИЭС	2068	1565	Навоий вилояти
4	Талимаржон ИЭС	1700	1700	Қашқадарё вилояти
5	Тахиатош ИЭС	1190	860	Қорақалпоғистон Республикаси
6	Тўрақўрғон ИЭС	900	320	Наманган вилояти
7	Фарғона ИЭМ	329	800	Фарғона вилояти
8	Муборак ИЭМ	60	476	Қашқадарё вилояти
9	Тошкент ИЭМ	57,15	398	Тошкент шаҳри
	жами	11329,5	9598	

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ тизимидаги барча ташкилотларда мунтазам равишда инвестицион лойиҳалар асосида энергиятежамкор замонавий қурилмалар билан янгилаб бормоқда. Бу ўз навбатида аҳолини сифатли ва узлуксиз электр ҳамда иссиқлик энергияси билан мунтазам таъминлаш имконини беради.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги ИЭС ва ИЭМ томонидан 1 кВт электр энергияси ишлаб чиқаришда ёқилғи сарфи 3-расмда келтирилган.




3-расм. “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги ИЭС ва ИЭМ томонидан 1 кВт электр энергияси ишлаб чиқаришда ёқилғи сарфи (2016 йилга нисбатан, г/кВт/соат)

Манба: “Иссиқлик электр станциялари” АЖ маълумотлари

3-расмда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги ИЭС ва ИЭМ томонидан 2016-2021 йиллар бўйича 1 кВт электр энергияси ишлаб чиқаришда

фойдаланилган ёқилғи сарфи кўрсатилган. 2016 йилда 1 кВт электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланилган ёқилғи сарфи 375,81 г/кВт/соатни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда 353,14 г/кВт/соатни, 2018 йилда 354,56 г/кВт/соатни, 2019 йилда 345,54 г/кВт/соатни, 2020 йилда 323,71 г/кВт/соатни ва 2021 йилга келиб 313,16 г/кВт/соатни ташкил қилган.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги ИЭС ва ИЭМ томонидан 2022-2026 йиллар бўйича ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари 4-расмда кўрсатилган.




4-расм. “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги ИЭС ва ИЭМ томонидан ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари, МВт
Манба: “Иссиқлик электр станциялари” АЖ маълумотлари

4-расмда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги ИЭС ва ИЭМ томонидан ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари келтириб ўтилган. “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги ИЭС ва ИЭМ томонидан электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича 2022 йилда ўрнатилган қувват 11749 МВт, мавжуд қувват 10973 МВт, 2024 йилда ўрнатилган қувват 12913 МВт, мавжуд қувват 12137 МВт, 2026 йилда эса ўрнатилган қувват 14013 МВт, мавжуд қувват 13237 МВт ташкил этиш прогноз қилинмоқда. Агарда 2021 йилда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги ИЭС ва ИЭМ ўрнатилган қувват 11329,5 МВт ташкил қилганини ҳисобга олсак, 2026 йилга бориб, 2683,5 МВт ошишини кутишимиз мумкин.

2. “Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари” АЖ мисолида қуйидагилар амалга оширилди.


“Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан охириги йилларда электр энергияси истеъмолини қондириш мақсадида, 2012-2016 йиллар давомида 680 МВА (мегавольт - ампер) янги қувватлар яратилган бўлса, 2017-2021 йиллар давомида 5621 МВА қўшимча қувватлар ташкил этилди. Уларни қуйида келтирилган 5-ва 6-расмлар орқали кўришимиз мумкин.



5-расм. Юқори кучланишли подстанцияларда 2012-2016 йиллар (5 йил) ҳамда 2017-2021 йилларда (5 йил) яратилган қувватлар динамикаси [14]

5-расмда Юқори кучланишли подстанцияларда 2012-2016 йиллар (5 йил) ҳамда 2017-2021 йилларда (5 йил) яратилган қувватлар динамикаси келтириб ўтилган. 2012-2016 йилларда (5 йил ичида) юқори кучланишли электр тармоқлари ва подстанцияларда яратилган қувватлар 650 МВА (МВА-мегавольт-ампер) ни ташкил қилган. 2017-2021 йилларда (5 йил) юқори кучланишли электр тармоқлари ва подстанцияларда яратилган қувватлар 5621 МВА ни ташкил қилган. Биринчи 5 йилликда 650 МВА ташкил қилган бўлса, иккинчи 5 йиллик 5621 МВА ни ташкил қилган, яъни 4971 МВА кўп қувват яратилган.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан республика ҳудудлари бўйича 2019-2021 йилларда жами оширилган қувват кўрсаткичлари 6-расмда кўрсатилган.



6-расм. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан 2019-2021 йилларда жами оширилган қувват кўрсаткичлари, МВА [14]

6-расм. "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ томонидан республика ҳудудлари бўйича 2019-2021 йилларда жами оширилган қувват кўрсаткичлари кўрсатиб ўтилган. 2019-2021 йиллар бўйича жами оширилган қувват кўрсаткичлари бўйича энг кўп қувват Тошкент вилоятида 650 МВА, кейинги ўринда Самарқанд вилоятида 550 МВА, энг кам оширилган қувват сирдарё вилоятига 80 МВА тўғри келмоқда.


3. "Худудий электр тармоқлари" АЖ мисолида қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

"Худудий электр тармоқлари" АЖ томонидан қуйидагилар тақсимлаш электр тармоқларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобланади [15]: электр энергиясини тақсимлаш жараёнида унинг технологик ва тижорат йўқотишларини камайтириш; электр таъминоти ишончилигини ошириш ва сифатини яхшилаш. Электр энергиясини улгуржи рақобатлашган бозорига ўтиш жараёнида, тақсимлаш тармоғини эксплуатация қилиш ва истеъмолчиларга электр энергиясини сотиш функциялари ажратилади, тақсимлаш тармоқлари эса давлат мулки бўлиб қолади. Шунингдек, 2022-2025 йиллар учун тегишли давлат дастури қабул қилиниши билан паст кучланишли тақсимлаш тармоқларини модернизация қилиш ва реконструкция қилиш ишлари давом эттирилади. Мавжуд 110/35/10/0,4 кВ кучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш ва янги қурилиш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади: 110/35/10 кВ ПС сонини янги ПС лар қурилиши ва 35/10 кВ ПС ларни юқори кучланиш синфига ўтказилиши ҳисобига кўпайтириш; шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктлари чегараларида ер ости кабеллари ётқизиш ёки ўз-ўзини тутиб турувчи изоляцияланган симларни тортиш орқали 10, 35 ва 110 кВ кучланишли ЭУЛ лар қурилишини амалга ошириш; шаҳарларда ва йирик аҳоли пунктларида 35 кВ ва 110 кВ ПС ларни ёпиқ турга ўтказиш; шаҳарларда ва йирик аҳоли пунктларида 35/0,4 кВ трансформаторлардан кенг фойдаланиш; 10 кВ ва 35 кВ кучланишга ўтказиш орқали 6 кВ кучланишдаги электр тармоқларини эксплуатациядан чиқариш; 0,4-10кВ кучланишли ҳаво электр узатиш линиялари симларини ўз-ўзини тутиб турувчи изоляцияланган симларга алмаштириш ва бир вақтнинг ўзида 0,4 кВ электр узатиш линиялари узунлигини қисқартириш; "Биллинг" ва "Электр энергия истеъмолининг таҳлили ва прогнози" дастурий комплекслари ишлаб чиқилади ва ишга туширилади. ЭУЛ ва ПС ларни қуриш, мавжудларини модернизация ва реконструкция қилишни молиялаштириш Халқаро молия институтларининг узоқ муддатли кредитлари ва "Худудий электр тармоқлари" АЖ ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Энергия хавфсизлигини таъминлашда, энергия ресурслари манбалари таъминоти бўйича, 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепциясига келтирилган маълумотларни таҳлил қиламиз.

Энергия ресурсларига бўлган ички талаб иқтисодий ривожланишнинг кутилаётган динамикаси, иқтисодиёт тузилишининг ўзгариши ва унинг ўзига хос энергия интенсивлиги даражаси билан белгиланади. Иқтисодиётда энергия сарфи ҳажмини камайтириш электр энергетика сиёсатининг асосий вазифаси бўлиб, мазкур вазифанинг бажарилмаслиги энергетика соҳасининг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муқаррар равишда тўсқинлик қилишига олиб келади. 2030

Йилгача электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг прогноз динамикаси 7-расмда келтирилган.




7-расм. 2030 йилгача электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг прогноз динамикаси, млрд.кВт.ч. [15]

7-расмда 2030 йилгача электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг прогноз динамикаси келтирилган. Бунда 2022 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш 79,5 млрд.кВт.соатни, иқтисодиёт тармоқлари бўйича электр энергия истеъмоли 49,3 млрд.кВт.соатни, аҳоли томонидан электр энергияси истеъмоли 16,1 млрд.кВт.соатни ташкил этиши прогноз қилинаётган бўлса, 2030 йилга бориб, электр энергиясини ишлаб чиқариш 120,8 млрд.кВт.соатни, иқтисодиёт тармоқлари бўйича электр энергия истеъмоли 85 млрд.кВт.соатни, аҳоли томонидан электр энергияси истеъмоли 21,9 млрд.кВт.соатни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Энергия ресурслари манбалари шакллантириш бўйича, бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ) муҳим ўрин тутди. ҚТЭМ лари гидроэлектрстанциялари (ГЭС), фотоэлектрстанциялари (ФЭС), шамол электр станциялари (ШЭС) киради. 2030 йилгача бўлган муддатда ҚТЭМ асосида энергия ишлаб чиқариш тузилмаси 8-расмда кўрсатиб ўтилган.


8-расмда 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манмалари (ҚТЭМ) асосида энергия ишлаб чиқариш тузилмаси кўрсатиб ўтилган. Мазкур диаграммада, республикамиз бўйича 2022 йилда гидроэлектрстанциялари томонидан 2,3 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш прогноз қилинаётган бўлса, 2026 йилда 3 МВт ҳамда 2030 йилга бориб, 3,8 МВт прогноз қилинмоқда. Фотоэлектрстанциялари томонидан 2022 йилда 0,8 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш прогноз қилинаётган бўлса, 2026 йилда 3,4 МВт, 2030 йилга бориб, 5 МВт прогноз қилинмоқда. Шамол электр станциялари томонидан 2022 йилда 0,4 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш прогноз қилинаётган бўлса, 2026 йилда 2,2 МВт, 2030 йилга бориб эса 3 МВт прогноз

қилинмоқда. Бунда ҳар бир қайта тикланувчи энергия манбалари, яъни гидроэлектрстанциялари, фотоэлектрстанциялар ва шамол электр станциялари томонидан 2022 йилга нисбатан, 2030 йилга бориб, бир неча баробарга, яъни ГЭС бўйича 1,5 МВт, ФЭС бўйича 4,2 МВт, ШЭС бўйича 2,6 МВт оширилиши режалаштирилаганини кўришимиз мумкин.



8-расм. 2030 йилга қадар ҚТЭМ асосида энергия ишлаб чиқариш диаграммаси, МВт [15]


Шу билан бир қаторда республика бўйича 2019-2030 йилларда ўрнатилган қувватнинг ўзгариши динамикаси бўйича ҳам прогноз кўрсаткичлари 9-расмда кўрсатиб ўтилмоқда. Мазкур расмда, иссиқлик электр станциялари (ИЭС) бўйича газ ва кўмир бўйича, гидроэлектрстанциялари (ГЭС), шамол электр станциялари (ШЭС), қўёш электр станциялари (ҚЭС), атом электр станциялари (АЭС) бўйича 2030 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари келтирилган.



9-расм. 2019-2030 йилларда ўрнатилган қувватнинг ўзгариш динамикаси прогнози, МВт [15]

9-расмда 2019-2030 йилларда ўрнатилган қувватнинг ўзгариш динамикаси прогнози келтирилган. Бунда, ИЭС (газ) бўйича 2019 йилда 8,5 МВт ташкил қилган бўлса, 2030 йилда 13,4 МВт қувват ўрнатилиши кўтилмоқда. ИЭС (кўмир) бўйича 2019 йилда 2,5 МВт қувват ўрнатилган бўлса, 2030 йилга бориб 1,7 МВт қувват кўтилмоқда, ГЭС бўйича 2019 йилда 1,8 МВт қувват ўрнатилган бўлса, 2030 йилга бориб 3,8 МВт қувватга эришиш кўтилмоқда, ШЭС бўйича 2025 йилда 2 МВт қувват прогноз қилинаётган бўлса, 2030 йилга бориб 3 МВт прогноз қилинмоқда. Қўёш электр станциясидан бўйича 2025 йилда ўрнатилган қувват 2,5 МВт прогноз қилинаётган бўлса, 2030 йилга бориб 5 МВт прогноз қилинмоқда. 2030 йилга бориб, АЭС томонидан 2,4 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати ўрнатилиши кўтилмоқда.

Мамлакатда энергия таъминотининг ишончилиги ва барқарорлиги тўғрисидаги тушунчалар жамоатчиликни ташвишга солиб туради. Индикаторнинг қиймати қанчалик юқори бўлса, респондентлар мумкин бўлган электр ўзилишлари ҳамда у ёки бу сабаблар кўра, энергия хавфсизлиги бўйича ташвишланадилар. Мамлакатда “Энергия таъминотининг барқарорлиги ва ишончилиги” ҳақида қанчалик қайғуриш катта бўлса, унинг моҳияти шунчалик юқори бўлади (10-расм).



10-расм. Европа давлатларида энергия хавфсизлиги индикатори [17]

10-расмдан кўриниб турибдики, Европа давлатлари бўйича Исландия, Швеция, Австрия, Ирландия, Швейцария, Норвегия аҳолиси энергия хавфсизлиги ёки энергия таъминоти бўйича хавотирда эмас. Афсуски, Португалия, Франция ва Россия давлатларида энергия таъминотининг барқарорли ва ишончилиги бўйича муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатданинг энергия хавфсизлигини бошқариш методологияси энергия ресурсларини аниқлаш, баҳолаш, ишлаб чиқариш, магистраль электр тармоқлар орқали узатиш, истеъмолчилар етказиб бериш фойдаланиш ва энергетика инфратузилмасини ривожлантиришдан иборат бўлади (3-жадвал).

Мазкур жадвалда энергия хавфсизлигини бошқариш бўйича, бошқарув босқичлари ва бошқарувни ташкил қилиш мазмунини ёритиб берилган.

Энергия хавфсизлигини бошқариш босқичлари

№	Бошқарув босқичлари	Бошқарувни ташкил қилиш мазмуни
1	Энергетик эҳтиёжларни аниқлаш	Иқтисодий ривожланишни прогнозлаш. Иқтисодиётда инновацияларни прогнозлаш. Ёқилғи энергия ресурсларининг мувозанати.
2	Энергия ресурсларини мавжудлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш	Энергия ресурсларини структуралаш. Ресурс базасини баҳолаш (захиралар, ишлаб чиқариш (генирирлаш), етказиб бериш). энергетика соҳасидаги инновацияларни прогноз қилиш.
3	Энергия ресурсларини шакллантириш потенциалини баҳолаш	Ресурс базасининг ривожланишини прогнозлаш. Ресурс базасини ривожлантириш ва режалаштириш. Ресурс базасини ривожлантиришни лойиҳалаш.
4	Энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва тежаш сиёсатини йўлга қўйиш	Энергетика ресурс базасини ва умуман иқтисодиётни модернизация қилиш. Вилоятларда энергия тежаш сиёсатини амалга ошириш
5	Энергия ресурсларини шакллантириш	Энергия ресурсларини ишлаб чиқариш. Энергия ресурсларини сотиб олиш.
6	Энергия ресурсларидан фойдаланиш	Энергия ресурслари ва умуман иқтисодиётнинг ресурс базасини модернизация қилиш. Энергия сақлаш.
7	Энергия ресурсларини ривожлантириш	Ресурс базасини ривожлантиришдаги инновацияларни шакллантириш. Ресурс базасини ривожлантиришга инвестициялар киритиш. Энергия ресурсларининг интеграциясини ташкил қилиш.
8	Энергия таъминотини ташкил қилиш	Энергия самарадорлигига эришиш. Тизимга мослашувчанлик. Энергия ресурслари бўйича ўз-ўзини таъминлаш. Соҳага интертерриториал материаллар билан таъминлаш. Энергия манбаларини давлатлараро етказиб бериш.
9	Энергия барқарорлигини таъминлаш	Замонавий қонунчилик базасини шакллантириш. Ишлаб чиқариш активларини янгиланиш. Ёқилғи саноатини тасдиқланган ёқилғи захиралари билан таъминлаш. Ёқилғи-энергетика соҳасида ишлаб чиқариш қувватини ошириш. Соҳага капитал қўйилмалар ҳажминини ошириш. Энергия тежайдиган технологияларни соҳага олиб кириш.
10	Энергия ишлаб чиқаришда экологик таъсирларни бошқариш	Табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Табиий муҳитнинг ифлосланиш даражасини камайтириш. Табиий офат оқибатлар ва техник аварияларни олдини олиш.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Мамлакатда энергия хавфсизлиги, энергетика соҳасига хос бўлган умумий иқтисодий ва ўзига хос хавфларни ўз ичига олади. Энергетика соҳасида иқтисодий, табиий, бошқарув ва ижтимоий-сиёсий хатарларга дуч келади. Тизимли хатарлар алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатнинг энергия хавфсизлигини бошқариш методологияси энергия хавфсизлиги кўрсаткичларини аниқлаш, ҳисоблаш ва баҳолаш, энергия тежаш сиёсатидан фойдаланиш, шунингдек мамлакатнинг энергетик ресурслар базасини ривожлантиришдан иборат бўлади.


Энергия хавфсизлиги бўйича хавфларнинг юзага келиши: юзага келиш ҳолати, юзага келиш жойи ва юзага келиш манбаси бўйича 11-расмда кўрсатиб ўтилган.



11-расм. Мамлакатда “Энергия хавфсизлиги” бўйича хавфларнинг юзага келиш ҳолати

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Мамлакат миллий хавфсизлигига таъсир этувчи хавфсизлик турлари 12-расмда кўрсатиб ўтилган. Мазкур хавфсизлик турлари ичида энергия хавфсизлиги ҳам алоҳида эътибор қилишни талаб этади. Сабаби, энергия хавфсизлиги таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳаларининг ривожланишига ҳамда аҳолининг эътирози сабаб бўлиши мумкин.



12-расм. Мамлакат миллий хавфсизлигига таъсир этувчи асосий хавфсизлик турлари

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Дунё мамлакатлари бўйича ягона энергия хавфсизлигини таъминлаш шартларини шакллантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базага асос солингани йўқ. Энергия хавфсизлиги шартларини ташкил этувчи кўрсаткичлар номенклатураси ўзида қуйидагилар жамлайди: энергия ишлаб чиқариш қувватлари, энергия ресурс захиралари; соҳада асосий ишлаб чиқариш активларининг доимий эскириб бориши; соҳада янги қувватларни яратиш бўйича жалб қилинган инвестициялар миқдори; ёқилғи-энергетика баланси тузилишида ҳукмрон энергия ташувчининг муҳим улуши; иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулот ўсиши (ЯИМ) ва энергия истеъмоли нисбати; ёқилғи-энергетика компанияларига солиқ юкининг маржинал улуши ва бошқалар.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатнинг энергия хавфсизлигини таъминлаш ёқилғи-энергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида миллий ва иқтисодий хавфсизликни талаб даражасида сақлашнинг зарур шартидир.

“Энергия хавфсизлиги” тушунчаси - бу ёқилғи-энергетика соҳасини ҳар қандай вақтда, давлат ва минтақа иқтисодиётининг эҳтиёжларини мақбул даражада арзон ёқилғи-энергетика ресурслари билан ишончли таъминлаш, доимий ўзгариб турадиган, ривожланаётган ички ва ташқи таҳдидларнинг салбий таъсирига қарши туриш қобилиятини белгилайди.

Энергия хавфсизлиги ҳолатини бошқариш учун, биринчидан, давлатнинг ёқилғи-энергетика соҳасида юзага келиши мумкин бўлган хавфлар ҳолатини аниқлаш, давлатнинг энергия хавфсизлигига таъсир қилувчи ташқи ва ички таҳдидларни аниқлаш, ушбу таҳдидларни амалга оширишнинг мумкин бўлган оқибатларини таҳлил қилиш ва ушбу таҳлил асосида уларни бартараф этиш. Иккинчидан, энергия хавфсизлигини таъминлаш бўйича, бошқарув босқичлари шакллантириш ва улар бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Ҳар қандай мамлакатнинг ёқилғи-энергетика соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш миллий манфаатларни ҳимоя қилиш концепцияси доирасида энергия хавфсизлигини таъминлаш бўйича мувозанатли ва самарали сиёсатни ишлаб чиқишни талаб қилади, бу эса қуйидаги масалаларни қамраб олиши керак:

- барча энергетика соҳаси бўйича самарали ҳуқуқий базани шакллантириш, табиий монополиялар фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

- тегишли давлат органлари томонидан иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва аҳолини тўлиқ даражада ишончли энергия билан таъминлаш бўйича кафолат ва назоратни таъминлаш;

- энергетика соҳасида энергия ресурсларининг стратегик захираларини самарали бошқаришни таъминлаш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш;

- энергетика соҳасининг эскирган технологик базасини модернизация қилиш, илмий-техник ва энергетика соҳасида инвестиция сиёсатини самарали амалга ошириш;

- энергетика соҳасида замонавий хавфсизлик стандартларини ишлаб чиқиш, экологик хатарларни камайтириш ва табиий офатлар олдини олиш бўйича давлат назорати механизминини ишлаб чиқиш.

Ёқилғи-энергетика соҳаси учун давлат иқтисодий сиёсатининг асосий мақсади, электр энергиясини ишлаб чиқарувчиларининг энергия ресурсларини истеъмолчиларга ўз эҳтиёжларига мувофиқ этказиб бериш қобилияти билан белгиланади. Мамлакатнинг энергия хавфсизлиги кафолати сифатида энергия таъминоти тизимининг ишончли ишлашини таъминлайдиган иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишдир. Бунинг учун минтақавий даражада энергетика сиёсатининг қуйидаги устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш зарур:

- мамлакат иқтисодиётнинг барча даражаларида энергия самарадорлиги ва энергияни тежаш сиёсатини амалга ошириш;
- энергетика соҳасининг молиявий барқарорлигини ошириш;
- электр энергетика соҳасига инвестициялар киритиш ҳажмини ошириш;
- электр энергетика соҳасини модернизация қилиш ва янги технологиялардан фойдаланиш орқали энергиянинг атроф-муҳитга техноген таъсирини камайитириш;
- энергия хавфсизлигини мониторинг қилиш тизимини яратиш;
- мамлакат энергетика тизимида инқирозли ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этишни қўллаб-қувватлашни амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- [1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартда “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4249-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4257083>
- [2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5646-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4188798>
- [3] Kruyt, B., van Vuuren, D.P., de Vries, H.J.M., Groenenberg, H. (2009), Indicators for energy security. Energy Policy, 73(6), 2166-2181.
- [4] Franki, V., Višković, A. (2015), Energy security, policy and technology in South East Europe: Presenting and applying an energy security index to Croatia. Energy, 90(1), 494-507.
- [5] Yergin, D. (2006), Ensuring energy security. Foreign Affair, 85(2), 69-82.
- [6] Кондраков О.В. Классификация угроз энергетической безопасности региона // Социально-экономические явления и процессы. 2012. № 10.
- [7] Дубровин Е., Дубровин И. Энергетическая безопасность как важная составляющая национальной безопасности. URL: <http://www.eprussia.ru/epr/170/12776.htm> (дата обращения: 11.01.2016).
- [8]. Гафуров А. Р. Сущность категории «энергетическая безопасность» и ее место в общей структуре безопасности. Режим доступа: http://vestnik.mstu.edu.ru/v13_1_n38/articles/31_gafur.pdf.
- [9]. Воропай Н. И., Сендеров С. М. Энергетическая безопасность: сущность, основные проблемы, методы и результаты исследований. М.: ИНП РАН, 2011.
- [10] Завальнев В.Н. Безопасность в политическом мировосприятии мыслителей прошлого: аналитическая ретроспектива // Вестн. Моск. гос. обл. ун-та. Сер. «История и политические науки». 2016. № 1. С. 176–189.
- [11] CIA: The World Factbook. 2016. [Электронный ресурс] URL: <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook/geos/sa.html> (дата обращения: 06.10.2016).
- [12] Energy Security Refers to the Uninterrupted Availability of Energy Sources at an Affordable Price [Электронный ресурс] // The International Energy Agency. URL: <http://www.iea.org/topics/energysecurity/> (дата обращения: 01.09.2016).
- [13] Wang, Q. and Zhou, K. (2017). A framework for evaluating global national energy security. Applied Energy, 188, 19-31.
- [14] Барқарор электр таъминоти иқтисодиётимиз тараққиёти ва халқимиз турмуш шароитида намоён бўлмоқда. Халқ сўзи. 2021 йил 25 декабрь, №276 (8086)
- [15] 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси.
- [16] Data from the United Nations, the National Agency.
- [17] https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=30212